



**МИЛЛИЙ  
ГАНЧКОРЛИКНИНГ  
ЎЗ МАКТАБИ БОР** 4▶

**ЁЗИЛМАГАН  
ҚОИДАЛАР**



5▶



**БОДИАРТ:  
САНЪАТМИ Ё  
САНОАТ?**

7▶

**УСТОЗ,  
МЕНИ КЕЧИРИНГ!**



8▶

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Андижон вилоятида 2009-2014 йилларда 9 та болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси янгидан бунёд этилди, 20 га яқини қайта реконструкция қилинди. 22 миллиард 648 миллион сўмлик 139 номдаги чолғу ва мусиқа асбоблари мусиқа мактабларига берилди. Албатта, бугун бу ишлар ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Халқаро мусиқа фестивалларида ўқувчиларнинг эришган натижалари эътироф этилмоқда, бизни қувонтирмоқда.

Хусусан, Андижон шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида бу сингари ишлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу даргоҳда таълим сифати тубдан янгиланиб, эстрада, баян, аккордеон мутахассисликларига болаларнинг қизиқишлари кун сайин ортиб бормоқда.

### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!



Обуна индекси — 176

## УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 1-октябрь Ҳўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ташкиллаштирилган "Маърифат ва эзгулик ёғдуси — устозларга таъзим" мавзудидаги маънавий-маърифий тадбир Яшнобод туманидаги 198-мактабда жуда кизгин ўтказилди. Тадбирда мактабнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Бугун ёши улўғ устоз, онахонларимизни кекса деб

аташга тил бормайди. Уларнинг спорт мусобақаларидаги фаол иштирокини кўриб, юртимизда аёлларга, айниқса, фидойи Ҳўқитувчиларга қаратилётган катта эътиборни кўришимиз мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Эндиликда аёлларга хос спорт турларининг оммалашиб бораётгани, турли халқаро мусобақалар голиблари ичида хотин-қизлар борлиги қувонарли ҳол. Жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 39 нафари спорт соҳасида эришган ютуқлари учун давлатимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлган.

Тадбирда тумандаги 35-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг "Ўзбек жанг санъати", "Бадиий гимнастика" гуруҳи ҳамда 10-маданият уйининг "Сурхондарёча рақс" дастаси томонидан бадиий чиқиш ижро этилди. Ҳўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла маслаҳатчиларидан таркиб топган "Эпчиллар", "Чаққонлар" ҳамда "Кувноқлар" жамоалари спорт мусобақаларида ўзаро беллашдилар.

Байрам сўнгига жамоанинг тақдироти намойиш этилиб, барча устоз ва мураббийларга эсдалик совғалари улашилди.

Ширинхон МЎМИНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

## КЕКСАЛИК ҲАМ ЁРУҒ САОДАТ

Бир аср довонидан ошган табаррук онахонларимиздан бири Дилбархон момо Отабеванинг кўзидан ҳамisha меҳр нури ёғилиб туради. Чехрасидан табассум аримайди.

1902 йилда Олтинкўл туманида туғилган, меҳнатда тобланган момо уруш қийинчиликларини ҳам, ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларини ҳам кўп кўрди. Турмуш ўртоғи Ҳудойберди ота билан олти нафар фарзандни тарбиялаб воғга етказишди. Бироқ улардан уч нафарини бевақт ажал ҳали бола пайтидаёқ ота-она бағридан олиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши ҳамма хонадоннинг тиргақларини ўз домига тортган паллада момо ҳам турмуш ўртоғини кўзларида ёш билан урушга кўзати. Кейин бугун аламини меҳнатдан олди. Давр қийинчиликларини сабр ва матонат билан енгиб ўтди.

Метин иродаси билан дориламон кунларга эсон-омон етиб келган Дилбархон ая уч ўғилдан қирқ набира, 37 чевара, 11 эвара кўрди. Қисматни қарангки, тўнғич ўғли Неъматилло ака 63 ёшида оламдан ўтди. Яна бир ўғли Эргашбой ака эса 51 ёшида ёруғ дунё-

ни тарк этди. Онахоннинг уруш қийинчиликларида дол бўлмаган қадди икки ўғил жудолигидан эгилди.

— Она учун фарзанд доғидан оғир бўлмас экан, — дейди Дилбархон момо миждаларидаги ёшнинг енгининг учи билан артаркан. — Улар бир этак набираларга бобо бўлсалар ҳам мен учун бола эди-да. Турмуш ўртоғим ҳам 80 ёшдан ошганда оламдан ўтди. Йўқчиликка ҳам, қийинчиликларга, ҳаётнинг оғир-енгил синовларига бирга елка тутдик. Бир-биримизга суяниб, фарзандлар, набиралар роҳатини кўриш насиб қилганда, у киши ҳам дунёдан ўтди.

Оғир хотиралар залворидан момонинг кексалик нури ёғилиб турган юзларига мунг чўкди. Чуқур хўрсиниб оларкан:

— Шуқур, шундай ёруғ, фаровон, тўқчилик кунларни ҳам кўриш насиб этди, — дейди момо. — Шунча ишлаб, меҳнат қилиб, бировдан бир оғиз раҳмат эшитмабиз. Ўтган йили Президентимиз Фармонига кўра "Шўҳрат" медали билан тақдирланиб, ана шу мукофотни кўксимга та-

### Юз билан юзлашганлар

қиб кетишганида шодмонликдан кўзларимга ёш келди. Бундай эътибордан одамнинг кўнгли ёришиб кетаркан. Куну тун дуо шўкрона айтаман: илоҳим, юртимизга, тинчлик, омонлигимизга кўз тегмасин.


Бугун кенжа ўғли Тожиддин ака ва келини Ҳўтамхон опа билан, набира-си Каримжон, набира келини Барнохонларнинг парвариши, хўрмат-эътиборида, фарзандлари, набира, чеваралари даврасида кексалик гаптини сураётган момо узундан-узун дуо қилади. Шўкроналик тилидан ҳам, дилидан ҳам тушмайди.

Мана шундай нуруний кексаларимиз бор экан, хонадонларимиз файзлидир. Уларнинг дуолари билан юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, кунларимизда хотиржамлик бор. Бахтимизга шундай дуоғўй, меҳрибон кексаларимиз омон бўлишсин.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,  
журналист.  
Андижон вилояти.

## АМАЛИЙ ТАДБИР

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, кўшимча ўринлар яратиш бўйича Қашқадарё вилоятида бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилади. Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини яратадиган битирувчиларга тижорат банклари орқали соддалаштирилган кредит ажратилиш бўйича амалий тадбир ўтказилди.



Тижорат банклари, Давлат солиқ идораси, маҳалла фуқаролар йиғини, Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, Давлат мулкни ижарага бериш маркази, Сугурта агентлиги, Баҳолаш компаниялари, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад касб-хунар коллежлари битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш орқали касбга йўналтириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имконият яратишдан иборат.

— Туманларда ўтказилган бундай амалий тадбирларда касб-хунар кол-

### Жараён

лежларини тугаллаган битирувчиларга ўз бизнес режалари асосида имтиёзли кредит олиш имкониятлари яратилди, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Бекзод Тўраев.

Тадбир иштирокчиси — "Қамолот" ЁИХ Китоб туман кенгаши Ёшлар ижтимоий хизматлари марказининг тикувчилик тўғараги раҳбари Азиза Муродованинг таъкидлашича, қизлар айни пайтда, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик, миллий каштачилик сирларини пухта эгаллаб олишибди. 2007 йилда фаолият бошлаган ушбу марказда ҳозирги кунгача мингдан ортиқ ёшлар хунар ўрганиб, ўз бизнесларини ривожлантирдилар.

"Хунарманд" уюшмаси Китоб туман бўлими етакчи мутахассиси Назира Жўраева тадбирда шоғирдлари Мохинур Негматова, Нодира Жўраева билан ўзлари тайёрлаган маҳсулотларини намойиш этдилар. Бундай амалий тадбирлар ёшлар учун фойдали бўлмоқда.

Гули РАҲИМОВА,  
Қашқадарё вилояти.

## "Жамият ва мен" танлови

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар махсус йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

### Танлов йўналишлари:

- ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

### Махсус номинациялар:

- "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;
- "Янги авлод" мавзусидаги энг яхши мақола.

### Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2015 йил 1 январдан 1 декабргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қўйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунинг ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг мазмундорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 4 декабрга қадар Тошкент шаҳар — 100129, А.Навоий кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожат учун: (371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида "Йилнинг энг яхши ахборот хизмати" ижодий танлови ҳам эълон қилинди.

*Президентимиз Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан мукофотланган ҳамюртларимиз қаторида бир гуруҳ қорақалпоғистонлик юртдошларимизнинг меҳнатлари ҳам юксак даражада эътироф этилди.*

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

**Зейнеп ҚУРБОНБАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийи,  
Хўжайли туманида Тахиятош  
энергетика касб-хунара коллежининг  
махсус фан ўқитувчиси:



— Бугун юртимизда таълим тизими, ёш авлод келажига қаратилаётган улкан эътибор ва гамхўрликни кўриб суюнаман. Ёшларимиз озод ва обод юртнинг мустақил, бахтли фарзандларидир. Уларнинг билим олиши, иқтидорини юзага чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизда 12 йиллик бепул таълим тизими жорий этилгани ва бу кунун билан мустақамлаб қўйилгани ўғил-қизларимизнинг келажига учун берилган энг катта имкониятдир. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Касб-хунара коллежлари, академик лицейлар, мактабларнинг бугунги қиёфасига қоқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Замонавий анжомлар, ўқув қуролларини айтмайсизми. Бугунги кунда таълим сифати тубдан янгиланди. Малакали педагог кадрлар масаласига алоҳида аҳамият берилди. Ҳар битта ўқув муассасида компьютер, лингафон, ўқув лаборатория хоналари ташкил этилди. Спорт заллари барпо этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофатидандир.

Бугунги кунда коллежимизда мингга яқин ўқувчи 7 та йўналишда таълим-тарбия олмақда. Уларга 67 нафар педагог-кадрлар ўз мутахассисликлари бўйича билим беришмоқда. Ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар натижасида коллежининг бир қатор ўқувчилари спортда кўпгина ютуқларга эришиб келмоқда. Улардан Озода Ўрозимбетова спортнинг шахмат тури бўйича ўтказилган мусобақанинг республика босқичида 1-уринни қўлга киритиб, 2014 йили Наманган вилоятида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб қайтди. Шухрат Шомуратов эса 2010 йили оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони бўлди. Ўқувчиларимизнинг бу каби ютуқлари жуда кўп.

Коллеж ўқувчиларининг бандлигини таъминлашда Тахиятош иссиқлик электр станцияси корхонаси яқиндан ёрдам бермоқда. Зеро, ўқувчилар амалиёт жараёнида мазкур корхонада бўлиб, уларнинг иш-тажрибасини ўрганиб келмоқда.

Шуни ҳам фахр билан айтишим керакки, 2009 йилда Президентимиз Фармонида биноан "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган эдим. Жорий йилда эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" бўлдим. Бу юксак ишонч зиммамга янада катта масъулият юклайди. Ёш авлод келажига йўлида тинимсиз ишлашимиз учун шижоат, куч-ғайрат бағишлайди.

### КАЛБИМ ҚУВОНЧГА ТЎЛАДИ

**Феруза ҚУТЛИМУРАТОВА,**  
Нукус "Она ва бола скрининги" маркази  
маслаҳат бўлими мудири,  
генетик-шифокор, II даражали "Соғлом  
авлод учун" ордени соҳибаси:



— Мамлакатимизда фаолият юритаётган скрининг марказлари асосан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга қаратилган. Бу борада Нукус "Она ва бола скрининги" маркази томонидан ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айнқса, "Тўғма ва ирсий са-

салликларни барвақт аниқлаш, болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш тўғрисида"ги Давлат дастури асосида олиб бораётган ишларимиз ўз ижобий самарасини бермоқда.

Перинаталь (туғруқча бўлган) текширувлар хомилдорликнинг 16-20 ҳафталигида ўтказилиб, бунда, асосан ҳомила соғломлигини аниқлаш, касаллик белгилари бўлса, унинг олдини олиш, даволаш учун тавсиялар берилади. Агар фарзанд ирсий касаллик ёки туғма ривожланиш нуқсонини билан туғилган бўлса, хомилдорликда бола тушиши, ўлик туғилиш ҳолати кузатилса, ота-онада ирсий касаллик белгилари аниқланса, 30 ёшдан юқори ва 18 ёшдан кичик аёллар, ички аъзолар касаллиги белгиси бўлса, шунингдек, қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатлари вужудга келган тақдирда скрининг текшируви амалга оширилади.

Истиқлол йилларида она ва бола саломатлигига эътибор янада кучайди. Хомилдор аёлларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, маҳаллий поликлиникаларда рўйхатга олиш, янги туғилган чақалоқларни скрининг кўригидан ўтказиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган "Ёш қизларни турмушга тайёрлаш", "Соғлом оилани шакллантириш", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш", "Биз эрта турмушга қаршимиз!" мавзусидаги тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Мен ушбу соҳада фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг саломатлигига ҳали туғилмасиданоқ эътибор берилаётгани, гамхўрлик кўрсатилаётганига ҳар кунги иш жараёнида гувоҳ бўламан. Чақалоқларнинг беғубор нигоҳи ва жарангдор овози қалбимни қувончга тўлдирди.

### БАРЧА БИРДЕК БАХРАМАНД

**Қизларгул АЛЛАНАЗАРОВА,**  
Қанлиқўл тумани тиббиёт  
бирлашмаси "Алтинқўл" қишлоқ  
врачлик пункти мудири,  
"Шухрат" медал соҳибаси:

— Буюк истиқлол неъматлари бир дунё. Ҳар бир соҳадаги ўзгариш ва ривожланишлар фақатгина инсон, унинг манфаатлари, бахтли, саноқли турмуши учун хизмат қилади. Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳам шулар жумласидандир. "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" лойиҳалари асосида қишлоқ врачлик пунктимизга биокимелик ҳамда умумий таҳлил олиндиغان замонавий жиҳозлар (аппаратура) олиб келинди. Шунингдек, автоклуб, тиббий асбоб-ускуналар, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Беморларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш орқали уларнинг бахтли турмушига замин яратиш, тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, нафақат дори-дармон, балки ширин сўзимиз, меҳримиз билан даволаш, саломатликларини тиклаш асосий мақсадимиз ва вазифамиздир. Шу боис шифо истеб келган одам борки, пунктимиз ходимлари имкони борича биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатадилар.

Маълумки, малакали кадрлар ҳар бир ишнинг самарали бўлишини таъминлайди. Фаолиятимиз давомида бир неча бор Нукус ҳамда Тошкент шаҳридаги шифокорларнинг малакасини ошириш марказларида ўқиб қайтдик. Тиббиётда тажриба ва билим жуда муҳим. Барча соҳалар каби тиббиётда ҳам "устоз-шогирд" аънанаси муҳим ўрин тутди. Мен ҳам тажрибали мутахассислардан тиббиёт сирларини ўргандим. Тиббиёт фанлари доктори, раҳматли Жангабой Мамутовдан олган сабоқларим, Клара Ҳакимбоева, қишлоқ шифохонасидаги Мирзагул онадан ўрганганларим тажрибамнинг ошишида муҳим омил бўлди.

### Замондошларимиз

Муносиб меҳнат шароити ўз навбатида масъулият билан бирга шараф ҳам юклайди. 2011 йили "Энг яхши умумий амалиёт шифокори" танловида голиб бўлиб, пойтахтимизда ўтказилган республика босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Ўшанда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил" кўрак нишони, шунингдек, жорий йилда эса Президентимиз Фармонида кўра "Шухрат" медал билан тақдирландим. Бу биргина менинг эмас, балки туманимиз шифокорларининг, қолаверса, олтинқўлликларнинг ҳам меҳнатига берилган мукофот бўлди, деяр фахр билан айта оламан. Қишлоқ аҳлининг ишончи ва ҳурматини қозонганим боис, туман кенгашига депутат этиб сайландим. Оила ва жамиятда ўз ўрнини топганимдан, бахтли аёл, меҳрибон она эканлигимдан қувонаман. Зеро, бундай юксак ҳурмат-эҳтиром замирида аҳолининг фаровон турмуши мумкин.

**Гулжаҳан ИБРАИМОВА,**  
Амударё туманидаги "Назархон" ОФЙнинг  
диний маърифат ва маънавий-ахлоқий  
тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,  
"Шухрат" медал соҳибаси:



— Бугун маҳаллаю қишлоқларимиз ўзгача чиroy касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошмоқда. Фидойи халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, юрт мустақиллигини янада мустақамламоқда. Бугунги кунда Назархон овулида 3592 нафар аҳоли тинч-тотувликда яшаб келмоқда. Мақсадимиз соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, тинч ва осойишталикни сақлаш, обод ва фаровон турмуш шароитини яратишдир.

Томорқа хўжалигини, тадбиркорликни ривожлантириш орқали овул фаровонлиги, иқтисодий барқарорлиги ўсмоқда. Оилавий ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган улкан эътибор натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 17 фуқаро ва 2 нафар коллеж битирувчиси паррандачилик ва асалариликни ривожлантириш мақсадида банкнинг имтиёзли кредитига эга бўлишди.

Бугунги кунда аҳоли, айнқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Куламет ўй" мавзесида фаолият олиб борувчи, Хитой технологиясига асосланган гишт заводида 46 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. 15 хотин-қиз "устоз-шогирд" аънанаси асосида тикувчилик сирларини пухта ўрганиб, чеварлик билан шуғулланиб келмоқда. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида овул ёшлари ўртасида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Худудимиздаги спорт-соғломлаштириш иншоотларида 120 нафар бола спортнинг энг оммавий тури — футбол билан мунтазам шуғулланади.

Халқимизда азали-азалдан ёши катталарга ҳурмат, меҳр-муҳаббат, оқибатли бўлиш каби эзгу фазилатлар мужассам. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 62 нуруний кўхна Хива шаҳридаги муқаддас қадамжоларни зىёрат қилиб келишди.

Овулдошларим билан ҳамжихатликда ишлаш менга завқ бағишлайди. Зеро, эл-юрт тотувлиги йўлида қилинган ҳар қандай меҳнат муносиб баҳосини олаверади.

**Феруза НУРУЛЛАЕВА тайёрлади.**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси.

Сухбатдошимиз — Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, "Устазода" халқ санъати усталари корхонасининг ганчкор устаси Ҳақимжон Иноғомов.

Ҳақимжон ИНОҒОМОВ,  
Ўзбекистон халқ устаси:

## МИЛЛИЙ ГАНЧКОРЛИКНИНГ ЎЗ МАКТАБИ БОР



— Ҳақимжон ака, бугун сизни ганчкорлик санъатининг моҳир устаси сифатида кўпчилик яхши танийди. Бундай юксак даражага етиб келгунингизгача қандай босқичлар, тўғрироғи, синовлардан ўтгансиз?

— Астойдил меҳнат қилиб, машаққатларни энгиб ўтган ҳар бир одам ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиб етишади. Ганчкорлик санъатида сабр-тоқат, тинимсиз меҳнат ва ўткир зеҳн билангина муваффақиятга эришиш мумкин. Ўқувчилик пайтимиз миллий ҳунармандчиликнинг турли йўналишларини ўргатиш мақсадида мактабимизга малакали усталар келишарди. Мен аввалига ёғоч ўймакорлиги бўйича машғулотларга қатнаганман. Кейин ганчкорликнинг сир-асрорини ўрганишга киришдим.

Бир куни раҳматли отам — Ёқубжон Иноғомов: "Ўғлим, авлодимизда худди сен каби санъатга ихлоси баланд одам йўқ эди. Ганчкорликка меҳринг тушибди, кўнглинг шу соҳани танлашга ундаётган бўлса, қўлимдан келгунича сени кўлаб-қувватлайман", деди ва онам билан маслаҳатлашиб, Хадра майдонида жойлашган хозирги Болалар ижодиёти марказига олиб боришди. Тўгарак машғулотларига шу даражада қизиқиб кетдикми, ганчкорлик нақшлари ва улар янада кўзга ташланиши учун нима қилш кераклиги тўғрисида туну кун ўйлайдиган бўлдим. Бу соҳанинг илк сирларини устозим Нигмат акадан ўргандим. Марказдаги ганчкорлик тўғарагини тамомлаганимдан сўнг "Устазода" халқ санъати усталари корхонасида фаолиятимни давом эттириш учун йўлланма беришди. Онам Муассархон Иноғомова билан ушбу даргоҳга келганимизда бахтли тасодифни қарангки, юксак иқтидор соҳиб, Ўзбекистон халқ устаси Мансур Муродовнинг гуруҳига қабул қилиндим. Устозимнинг ҳар бир ишини соатлаб қузатардим, панд-насихатларини ёдимда

сақлашга ҳаракат қилардим. Бизнинг соҳада меҳнат, сабр билан бир қаторда, математика, геометрия фанидан ҳам хабардор бўлишингиз талаб этилади. Мураббийим бошчилигида аниқ ўлчам олиш йўлларини ўргандим.

Истиклол йиллари юртимизда қад кўтарган ва бунёдкорлик ишлари намуналаридан бўлган Тошкент теннис корти, Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Оқсарой қароргоҳи, "Шаҳидлар хо-

тираси" ёдгорлик мажмуаси ва бошқа кўлаб иншоотлар ва биноларнинг пардозлаш ишларида устозимга кўмакчи бўлдим. 2000 йилда Мансур ака: "Ҳақимжон, энди ўзингиз ҳам тажрибали уста бўлиб етишдингиз, мустақил ишласангиз бўлади", деб оқ фотиҳа берганлар. Шундан сўнг бир неча шогирдларим билан Тошкент шаҳридаги Сув спорти саройининг девор қисмини ганчкорлик услубида безаш билан илк ишимни бошладим. Ижод намуналаримиз халқимизга маъқул келди ва менга турли биноларнинг пардозлаш ишлари бўйича буюртмалар беришмоқда. Ёшлар ижодиёти саройи фойеи, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги ҳоқимият биносининг мажлислар зали, Ўзбек Миллий академик драма театри ва бошқа кўлаб биноларнинг ички қисмларида пардозлаш ишларини адо этдик.

Бугун ўйлаб кўрсам, 16 ёшимдан буён ганчкорликнинг тақдорланмас жозибаси, оҳанрабошига мафтун бўлиб яшаётган эканман. Ҳар куни бир хил иш билан шуғуллансам-да, чарчамайман, аксинча, баҳри дилим яйрайди. Янгича услубда ижодий ишга қўл урсам, ўша композицияни битирмагунимча хотиржам бўлолмайман. Бошлаган ишимни яқунлаган пайтим одамларнинг кўзларида қувонччи кўриб, кимгадир нафим тегаётганидан кўнглим кўтарилади, елкамдан тоғ қулагандай бир энгиллик билан оилам бағрига йўл оламан.

— Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзига хос ганчкорлик мактаблари ва йўналишлари мавжуд. Ўз ижодий изланишларингиз билан шу соҳани янада сайқаллашга ҳисса қўшиб келаясиз. Айтинг-чи, миллий ганчкорлик санъатимиз бошқа ҳудудларникидан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

— Ўзбек халқ ганчкорлик мактаблари жуда кенг қўламли. Шахсан мен бу соҳага у даражада катта ўзгариш олиб кирмаган бўлсам-да, камёб

### Гурунг

бўлиб бораётган қадимий композицияларимизнинг очилмаган қирраларини юзага чиқаришга, замонавий услуб билан уйғунлаштиришга қўл урдим. Ўзим асосан Тошкент услубидан фойдаланаман. Ушбу мактаб бошқа йўналишлардан ўзининг ноziклиги, исмилий нақшлари, пахта, шобарг гуллари билан фарқланади. Бинонинг ички қисмидаги гумбаз безакларига, устунлар тайёрлаш жараёнига бирмунча ўзгартиришлар олиб киришга ҳаракат қилдим. Масалан, иншоотларнинг кириш жойидаги гипс устунларга ўйма нақшлар қўлланилса, мен 2-3 метрли панжарали устунлар ясадим. Бундай ижодий ишларимиз бинонинг янада кўркам ва салобатли кўринишига замин яратмоқда.

Ганчкорликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бино ичини безаш билангина чекланмай, овоз жаранглаб акс-садо қайтармаслиги учун гумбазнинг таг қисмига геометрик шаклларда, муқарнас услубида ишлов берилади. Гул ва унинг новдалари, барглари алоҳида ажралиб чиқариш учун бир томонга қаратиб пардоз қилинади. Буларнинг бари жуда мураккаб ва босқичма-босқич бажариладиган ишдир.

Касбим тақозосига кўра, жаҳоннинг кўлаб давлатларида бўлдим. Малайзия Сенати саройининг (эни 60, бўйи 70 метр узунликдаги) мажлислар зали шифт қисмини панжара услубида безадик. Қозғистон, Озарбайжон, Россияда бўлиб, бинолар, масжид ва савдо ярмаркаларини ганчкорлик услубида миллий ўзбек нақшлари билан пардозладик.

Қаерда бўлмайлик, ҳамиша ишимиз якунида халқимизнинг ноziк диди, миллий санъатимизнинг бетакрорлиги борасида айтилган илиқ сўзлар ва эътирофлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Гурур ва фахр ҳисси билан она дийримишга қайтаман.

— Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллик тантаналари арафасида Президентимиз Фармонига кўра, "Ўзбекистон халқ устаси" унвони билан тақдирландингиз. Айтинг-чи, ўша кунлари кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?

— Очигини айтсам, камтарона хизматларимни эъзозлаб, шундай юксак даражада эътироф этилганидан бошим осмонга етди. Мамлакатимизда чинакам иқтидор эгаларини қашф этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Юртимиз равнақида озгина бўлса-да, улуш қўшаётган ҳар бир заҳматқаш инсон қадр топмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик нафақат менга, оила аъзоларим ёки шогирдларимга, балки шу вакилларининг барчасига ўзгача рағбат ва руҳ бағишлайди. Ҳамкасбларим, дўстларимнинг қўловларидан юрагим орзиқиб кетди. Ўша дамларда, ишонасизми, ушбу мураккаб соҳани эгаллашда ўзларининг беминнат ёрдамларини аямаган, мени ёшлигимдан бошлаб қўлаб-қувватлаган, шундай саодатли кунларга етишимни орзиқиб қутган ота-онам ёнимда бўлсайди, деган армон кечди юрагимдан. Инсон бир касб-корнинг бошини тутиб, унинг сирларини пухта ўрганиб, шу йўлда тинимсиз изланса меҳнати муносиб тақдирланар экан. Соҳа сирларини ёшларга ўргатиб, миллий ганчкорлик санъатимизни янада ривожлантириш бизнинг бурчимиздир.

Шаҳноза ТОЖИДИНОВА  
суҳбатлашди.



**ҚАЛАМ** — Алибек Рустамовнинг "Сўз хусусида сўз" китобида шундай маълумот берилган: "Қалам" хунинг луғавий маъноси кесим, хусусан, қамиш кесимидир. Шунинг учун бир кесим қазми "бир қалам қазми" дейилади, парраклангандан сўнг "япроқ" дейилади...

"Қарандаш" ўзи рус тилига туркий тиллардан ўтган бўлиб, асл шакли охири тадқиқотларга мувофиқ "қаламтош"дир.

Қаламким раҳанаварди  
тезтақдур,  
Азалдин манзили  
фавқу-л-фалақдур.  
"Фарҳод ва Ширин"  
достонидан

**БАСИР** — "кўзи оқиб" маъносида ишлатилади. Қизиғи шундаки, "басир" асли "кўрвучи", "кўра олувчи", "кузатувчи", "ўта сезгир", "ўткир кўзли" маъноларини англатади.

Ахир шунчалик басир эмас-ку,  
йўл бўйида турган одамни  
кўрмайдиган.

Журналдан

**БАЛОФАТ** — фақат вояга етиш маъносинигина эмас, шу билан бирга "етуклик", "баркамоллик", "бе-нуқсонлик", "нотиклик" маъноларини англатган.

Бериб нуктадонлик  
фасоҳат анга,  
Ясаб нуктаронлик балофат анга.  
"Садди Искандарий"  
достонидан

Қизиқ, балофатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан.

Ўткир Ҳошимовнинг  
"Баҳор қайтмайди"  
асаридан

**АШРАФ** — мумтоз адабиётимизда кўп қўлланган. Бу сўз билан аталган исмлар ҳам бор. "Ашраф" таркибида "шараф" сўзи борлиги унинг шаклидан кўриниб турибди. "Ашраф"нинг туб илдизи "энг шарафли", "улуғ", "иззатли", "олий зот" демақдир.

Буқим ашрафи халқ инсон эрур,  
Ки ҳақ сирри зотида  
пинҳон эрур.  
"Садди Искандарий"  
достонидан.

Ўзи давлатманд бир киши, Тошкент ашрафларининг кўплари билан алоқадор бўлганликдан, балки отангиз билан таниш чиқар.

Абдулла Қодирийнинг  
"Ўтган кунлар" романидан

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

**Ҳар кун турли хил кундалиқ юмушлар туфайли кўча-кўйга отланамиз. Жамоат транспортда мўлжалдаги манзилга йўл оламиз. Йўллар серқатнов, кўчалар гавжум. Толиққан дамларимиз бир оз ҳордиқ олиш учун сўлим хийбонларга қадам ташлаймиз. Хуллас, ҳамиша, ҳар дақиқа одамлар орасидамиз.**

Остона ҳатлаб кўчага чиққан киши борки, ҳозиргина бандоргоҳни тарк этган кемага ўхшайди. Ҳаёт ҳам улкан уммон: гарчи тўрт тараф очик осмон остида ястанган кенгликлардан иборат, бирор гов ва тўсиқ кўзга ташланмаса-да, маёққа қараб қаёққа боришини мўлжал олмаган кишининг адашиб кетиши аниқ. Зотан, одамлар оралаб юришининг, кўпнинг ичида ўтириб-туришининг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор ва ана шу "ёзилмаган қоида"ларга амал қилганларга ҳам ўзига хос рағбат борлигини ҳаммамиз ҳам билaverмаймиз.

Кўпдан кўп гап чиқади, деганлари рост: тинглашга тоқатинг етса, ҳикмат тўплайсан, ибратга арзирли бир дунё сабоқлардан бисотингни бойитасан. Шундай кезлари кишининг таъбини бузадиган айрим ҳолатлар ҳам учраб туради: баъзи тарбиясиз, фаросатсиз кимсаларнинг беҳаё қилиқлари, куракда турмайдиган сўзларни баралла ишлатиши, бепардоз хатти-ҳаракатлари — бир сўз билан айтганда, кўпнинг фикри билан ҳисоблашмаслик ҳолатларига бот-бот гувоҳ бўламиз. Бу эса жамоат жойи талабларига мутлақо зиддир.

Очигини айтганда, дунёнинг исталган нуқтасида муқим бир ҳудуд жамоат жойи деб белгиланмаган ва бу — табиий, чунки ҳозиргина кимсасиз турган бекабт бир зумда йўловчилар тўпланган палла издиҳом тусини олади — жамоат жойига айланади. Шу асно бу мақомга хос бир қатор тартиб-қоидалар ҳам вужудга келади. Уни кимдир жорий қилмайди, у одамлар олган тарбия ўзанида ўз-ўзидан пайдо бўлади. Расман жорий қилинмаган, бирор-бир ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топмаган бу тартиб-қоидаларга риоя этиш тартиби ҳам бевосита амалга ошади — аслида, бу жараённи ҳеч ким бошқармайди.

Маълумки, жамоат жойларида тартиб ва қоидага риоя этилишини жамоанинг ўзидан ўтказиб назорат қиладиган бошқа бир тизим мавжуд эмас. Бунинг учун айрим фарб давлатларида жорий қилинган «Ахлоқ полицияси» фаолиятини йўлга қўйиш ҳам шарт эмас. Фақат теварак-атрофимизда кечаётган воқеаларга бепарқ бўлмасак бўлгани.


Барчага тааллуқли бир ҳақиқат бор: ҳеч ким ўзгалар наздида ёмон кўринишни хохламайди. Танишми-нотанишми, кўпчилиқда ўзи ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш, илқ таассурот қолдириш истаги бўлади. Шунинг учун ҳам эркакми, аёлми кўчага чиқиш олдидан

тошойна олдидан бир зум тўхтаб, ўзига қараб олади. Бу бировга ёқиш учун эмас, баайни нохуш таассурот қолдирмаслик учун бажариладиган одат аслида. Худди мана шу эҳтиёж инсонда ўзини-ўзи идора қилиш кўникмасини ҳосил қилади, шакллантиради.

Танҳоликда, ёлғиз турган чоғингиз бирор-бир қўшиқни хиргойи қилиб кўринг, ҳаттоки уни ижро этган хонандадан ҳам ўтказиб куйлагандек бўласиз. Рақсга тушсангиз-ку, олдингизда мана-ман деган раққоса ҳам ип эшолмай қолади. Бирор-бир мавзуда маъруза қилиб кўринг, сиздан ўтандиган нотик йўқдек. Бирок...

Ҳа, жамоа ҳузурида сўз сўзлаш осон эмас. Кўпнинг салобати залворли, шундан тортинамиз, қимтина бошлайсиз, суст босади. Туршин-

Бундан бир маъно англашилади. Яхши тарбия кўрган, одоби ораста кишилар жамоат жойларида ўзларини ўта сипо тутадилар — худди рисоладагидек ҳавас қилса арзирлик. Ўқимишли, зиёли бўлгани учун ҳам ўзларининг бир қатор ҳақ-ҳуқуқлари ўзгаларнинг эркинликларига даҳл қилмаслиги лозимлигини — зиммаларида мана шундай мажбурият борлигини теран англайдилар. Шундан, ортиқча майлларини жиловлайдилар, кўпнинг эътирозига сабаб бўладиган қилиқлардан тийиладилар. Зеро, ота-боболаримиз «Ҳар жойнинг ўз тошу тарозуси бор» деб бежизга айтмаганлар. Қолаверса, инсоннинг табиати, феълу хўйи, яшаш тарзи, юриш-туриши бир хил, деярли тафовут йўқ. Фаҳму фаросати, муомала



мувофиқ. Эътибор берганмиз, кексаларимиз дуо қилганларида эл назаридан қолдирмаслигини сўрайдилар. Худди ана шу назар менинг, сенинг, унинг, умуман барчамизнинг теварак-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз аслида.

Олдидаги омманинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик, «оғзим қийшиқ бўлса ҳам хоҳлаганимни сўзлайман, ақлим қисқа бўлса сиздан кўра доно-ман», қабилидаги қарашлар энг нодон одамнинг калтабин фалсафаси.

Ақлу ҳуши жойида бўлган бор киши борки, имкони етгунча эл на-

## ЁЗИЛМАГАН ҚОИДАЛАР

“Ахлоқ полицияси” фаолияти шарт эмас



гиздан кўнглингиз тўлмай ўнғайсизлана бошлайсиз, тиззаларингизнинг қалтираши шундан. Кўлларингизни яширишгами ёки йиғиштириб олишга тутинасиз...

Мана шу ҳолат — табиий тортинчоқлик, шахсга тааллуқли фазилат ҳисобланади. Узок йиллар меҳнату машаққат билан қўлга киритилган нуфузини ноҳўя айтилган бир оғиз сўз, номаъқбул биргина хатти-ҳаракат билан бой бериб қўймасликдан чўчиш ҳисси бу. Ўзини эр билган одамнинг ўзгани шер билишини англагани бу. Шунинг учун ҳам жамоат жойларида рўй берадиган тартиббузарликларнинг аксар қисми ҳали шахс бўлиб шакланмаган ёшлар ёки ўзлигини унутган маст-аласт кимсалар томонидан содир этилади.

...Кўзлари сўқир бир киши кечкурун кўлида чироқ тутиб келаётса, рўпарасидан келаётган киши: «Тавба, кўзи кўр, барибир ҳеч вақони кўрмайди-ку, чироқ тутгани нимаси!», — дея таажжубланибди.

— Тўғри, менга чироқнинг ҳолати йўқ, бироқ сенга ўхшаш кўзи очиклар қоронғуда кўрмай қолиб, менга туртиниб кетмасин деб йўлни ёритиб бораяпман! — деб жавоб қайтарган экан кўр одам.

маданияти, нарс ва ҳодисаларга муносабати жиҳатидан эса кескин фаркланади. Оддий бир мисол: ҳеч ким ич кийимида кўчага чиқмайди, қолаверса, ҳар бир касбу корнинг ўз иш кийими — коржомаси бор. Бинбарин, коржомада кинога ёки театрга тушган одамни ҳам деярли учратмайсиз. Хизматдагилар бундан мустансо. Яъни ички ишлар ҳодими формада бўлса ажабланмаймиз, бироқ кимдир кинотеатрга ўт ўчирувчилар кийимида келса — ҳар қанча мурувватли бўлманг, бундай манзара билан муроса қилишимиз қийин кечади.

Дарвоқе, стадионда, кураш майдонида бақир-чақир, қий-чув табиий ҳол, аммо кино ва театрда тилни тиймаслик ёнингиздаги кишиларнинг эътирозига сабабдир — бунда озгина шивирлаб гаплашиш ҳам ортиқча.

...Кечки пайт маҳалла бошида учтўрт киши тўпланиб суҳбатлашиб туришар, ахён-ахён қаҳқаҳа отиб кулишади. Эҳтимол, суҳбатнинг мавзуси шундай хузурланишга арзирлидир, бироқ кўни-қўшнинг тинчи бундан-да қадрироқ эканини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Шу ўринда эл назари деган тушунча устида тўхталсак мақсадга

зарига тушиш пайида бўлади. Тарихий илдизидан ажралган, насл-насабини билмаган кимсалар эса бу нарс билан ҳисоблашмайдилар. Эсланг, ҳарбий қасамёдда тилга олинадиган энг оғир жазо — хиёнат қилсам халқимнинг нафратига учрай, деган калом ҳам аслида элнинг назаридан қолиш билан тенг тушунча. Демак, кўпчиликка ибрат бўлган азалий қадриятларни менсимаслик, уларга риоя қилмаслик ҳам хиёнатнинг бир тури эмасми? Аввало ўз-ўзига хиёнат бу, ахир: “Сўзни сақлаб сўзлаганлар хуб билур сўз кадрини, фарқи йўқ, бад сўзлаганлар на билур ўз кадрини”, деб бежизга айтилган.

Алқисса, дунёга болажон халқ бўлиб танилган ўзбек фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Биз ҳозир қаламга олган мавзуда том-том китоблар чоп этилган. Халқ оғзаки ижодида қанчадан-қанча ибратли матаб ва ривоятлар бор. Боланинг қаерда ўзини қандай тутиши, нима мумкинун нимадан тийилиши, кўпнинг ҳузурида сўз айтиш одоби ва бошқа кўплаб қадриятларимиз қон-қонимизга сингиб кетган. Чунки, биз учун ҳамиша муқаддас оила муҳити мана шу борадаги малака ва кўникмаларимизнинг ўлмас мактаблари бўлиб келган. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: “Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажақ насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади”.

Худоёр МАМАТОВ,  
юридик фанлар доктори.

### Бир ҳовуч дур




**Болага отанинг меҳнати сингган бўлса, Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.**

**Ота болани назоратда тутса, У яхши, эзгу бўлади.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

**Олим киши сўздан олгил ўғит, Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.**

**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ**



**Кўзимизнинг оқу қораси, суюкли эркатой неварамиз ОЙБЕКЖОНни таваллуд кун билан самимий табриклаймиз!**

**Оламга боқасан кўзларинг ёниб, Йўлларинг чароғон бўлсин чироғим, Бахтимиз кулгани сенсан жонажон, Ер-замин муқаддас, азиз тупроғим, Кўнглингга дунёни сийдир болажон!**

**Эҳтиром билан Қосимов ва Жалиловлар оиласи.**

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**  
Қадрли Исматулла Умаров!

Сизни тажрибали устоз, қалами ўткир ижодкор, Республика “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими маслаҳатчиси сифатида кўп хайрли ишларга бошқош бўлганлигини яхши биламиз. Қутлуг 68 ёшга қадам қўйганингиз билан яқинларингиз, дўсту шогирдларингиз номидан Шавкат Султоновлар оиласи.



— Сизни соат нечада олиб кетай, бувижон? — деди кекса онахоннинг машинадан тушишига ёрдамлашаётган йигирма ёшлардаги йигит.

— Бир-икки соатдан кейин келарсан. Икки табақали дарвозани кенг очиб, юзида табассум билан меҳмонларга пешвоз чиқаётган бошқа бир онахон йигитнинг пешонасидан ўлиб, елкасига қоқиб сўрашаркан:

— Уйга кирмайсанми, болам? — деб сўради.

— Шошиб турувдим, ишларим бор эди. Бувим сизни соғинибди, йўл-йўлакай олакелгин, дегандилар...

— Умрингдан барака топгин, мен ҳам дунёга сизга ўтиргандим. Сен бемалол ишларингни битириб келавер, унчага биз бир мириқиб дардлашамиз.



Бир-бири билан кучоқ очиб сўрашаётган икки онахонга қараб: "Опа-сингиллар кексайганда ҳам бир-бирига суянчиқ бўларкан-да", деган ўй кўнглимдан ўтди. Аммо бу икки аёлнинг опа-сингил эмаслиги, тақдир уларни оғир сивовларда тоблагани ҳақидаги ҳикояни эшитгач, "Наҳотки, ҳаётда мана шундай фаршга сифат инсонлар ҳам бор экан", дея ҳамон ҳайратга тушдим.

#### ЛАТИФА аянинг ҳикояси:

— Санобар билан қирқ икки йилдан бери кўшничилик қиламиз. Ёнма-ён яшайверсангиз, бир-бирингизнинг қариндош-уруғ, дўсту биродарларингизни ҳам, қувончу ташвишларингизни ҳам беш кўлдек билиб оларкансиз. Санобарнинг Бахринисо исмли опаси бор эди. Биздан икки қишлоқ нарига, яхши бир хонадонга келин бўлиб тушганди. Турмуш ўртоғи Ҳожимат ака жуда бамаъни, қўли гул боғбон киши эди. Одамлар: "Ҳожимат ерга таёқ суқса, илдиз отиб, япроқ ёзади, унга боғбонларнинг пири назар солган", дейишарди. Узиям жуда савлатли, ҳамиятли киши эди-да. Бахринисо опа билан уч қиз, бир ўғиллик бўлишди. Ўғилни ўқитиб, қизларни турмушга узатиб, келин тушириб, невара кўришганда Бахринисо опа бетобланиб қолди. Уч-тўрт йил даволаниб юрди-ю, умри қисқа экан, эвликдан энди ошганида, оламдан ўтди.

Ундан сўнг Ҳожимат акага қийин бўлди. Ҳеч кимга гап бермай, "гурс-гурс" қадам ташлаб юрадиган одам бирдан мунгайиб, чўкиб қолди. Санобар билан Бахринисо жуда тотув эдилар. Опа-сингилнинг бир-биридан бемаслаҳат иш қилганини эслолмайман. Шунданми, Ҳожимат аканинг ўғли ҳам, қизлари ҳам холасига суяниб қолишганди. Орадан бир йилча вақт ўтгач, жияни Абдухалил аммалари отасини уйлантирмоқчи бўлаётгани ҳақида хабар олиб келди. "Нимаям қилардик, опам шўрликнинг умри қисқа экан, отангни ёлғиз ташлаб қўёлмайсан-ку, кўнамиз-да, болам", деб Санобар хафа бўлиб турган жиянини алдаб-сулдаб йўлга солди. Уни кузатиб қўйгач, кўшним икки кун уйдан чиқмай йўлга солди. Бир тарафдан опаси эрта оламдан ўтганига, иккинчи тарафдан у не машаққатлар билан тиккалаган уй-жойларга энди бегона бир аёл эгалик қилиб ўтиришига сира кўника олмас-

ди, назаримда. Икки кун кўшнимнинг тепасида парвона бўлдим. У: "Нимаям қилардик, кўнамиз-да", дерди-ю, кўз ёшларини тўхтата олмасди...

Олтмишга яқинлашган Ҳожимат ака қирқ беш ёшлардаги бир аёлга уйланди. Жувон биринчи турмушида икки йилча яшаб, ажрашиб кетган, шундан кейин бошқа уй қурмаган экан. Ўзи озгин, қорачадан келган, жиззакироқ бир аёл эди. Бефарзанд бўлгани учунми, кўпам болаларни хушлайвермас экан. Бахринисо опанинг қизлари Санобарни келиб, ундан арз қилишар, "Ўзиб-ёзиб, бир ойда бир марта ота уйимизга келсагу, бу аёл тагин бола-ларимизга кун бермайди, ҳаммасини уриб-қарғаб, тиркиратиб қувиб юради. Отамиз сиқилмасин, деб дардимизни ичимизга ютамиз", дейишарди.

#### Туқилмаган ҳикоя

Ҳожимат ака бир йиллардан кейин ўзига келди. Боғидан олган даромадларидан ҳаж зиёратига отланди. Халиги аёлнинг ёмонлигидан зада бўлганми, болалари уни уйлантириш ҳақида гапиришса, "Бу мавзуда энди оғиз очманглар", дер экан. Ёши улгайиб боргани сайин унга бир йўлдош, ҳамсуҳбат кераклигини сезган Абдухалил суриштира-суриштира охири Захроҳон деган бир аёлни топди. Битта қизи бор, уни ҳам узатиб ўзидан тинган. Кўёви ҳарбий бўлгани учун бошқа вилоятда яшаркан.

Санобарнинг айтишича, аввалига "Куёвимдан андиша қиламан", деб

сира кўнмабди. Абдухалил уларни қидириб бориб, қизи билан куёвдан розилик олиб келибди. Шундан кейин: "Майли, кўпни кўрган нуруний киши эканлар, хизматларини қилсам савоб бўлар", деб рўйхушлик берибди. Санобарнинг ўзи жиянларини ёнига олиб, совчиликка борди. Ушанда Бахринисо опа раҳматлининг катта қизи қўлидаги тилла узугини ечиб, "Манави, сизга, отамга дардқаш бўлиб юрсангиз ҳали бундан ҳам яхшиларини олиб берамиз", деса, "Менга бундай нарсалар керак эмас, меҳрга муҳтожлигимдан рози бўляпман", деб унинг қўлини қайтарган экан.

Шу аёл келди-ю, Ҳожимат аканинг боғларига барака, хонадонларига яна файз кирди. Невараларини ўқитиб, уйлаб-жойлашди. Ҳожимат аканинг қариндош-уруғлари, Бахринисо опа раҳматлининг ака-укалари билан ҳам, Санобар билан ҳам туғишган опа-сингилдек сингишиб кетишди. Кўшним Захроҳоннинг бир гапини кўп такрорлайди. Агар рўзгорда аччиқ-чучук гап-сўз ўтса у: "Мен дунёда бир қизим билан ёлғиз эдим, Яратган сунча меҳрибонлар билан сийлади. Уларнинг бир чимдимгина захрига дош беролмайманми?", деб қўли қўяркан. Ҳар қандай гиналар, адоватларни шундай масъумгина кулги билан енгаркан!

Ҳожимат ака оламдан ўтгач, у Абдухалилга: "Энди мени уйимга элтиб қўйинглар", деганида болалар кўншмабди. Аиниқса, неваралар изиллаб бувисининг этагига ёпишиб олишибди. Қизлар эса: "Сизни қиёматли онамиз деганмиз, туққан онамиз ҳам, унинг ортдан отамиз ҳам бу дунёда бизни ёлғиз ташлаб кетишди. Энди сиз кетаман, деб бизни қуйдирманг", деб йиллашибди. Ушанда у Санобарга: "Турмушнинг бир чимдимгина захрини юта-юта, қаранг, қанча қадрдон топдим-а! Ўзига шуқур", деган экан. Шунга ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди.

Ҳозир кўшним кутиб олган меҳмон шу аёл — Захроҳон бўлади. Улар бири-бирига суяниб қолишган. Тез-тез дийдорлашиб, чақ-чақлашиб туришарди. Оналарнинг айтган насиҳати эмас, қилган иши, тутган тутуми болаларга ўрناق бўларкан-да... Абдухалилнинг опа-сингиллари, Санобарнинг ўғил-қизлари Захроҳоннинг қизи Ҳаётхон билан туғишган жигарлардек меҳрли, оқибатли бўлиб, қадрдонлашиб кетишган. Захроҳон ҳам невара қизларини "Онам"лаб, "Ойим", "Ойдиним"лаб эркалайди. Ўғилларни: "Менинг Худойберганларим" деганида ҳар қандай одамнинг кўнглини эрилтади. Машинада Захроҳонни ташлаб кетган йигит Абдухалилнинг ўғли. Бувисини қафтида кўтаради... Уларга қараб туриб: "Бу одамлар шу дунёнинг ўзидаёқ жаннат топганларимкан", дейман-да...

Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА.

#### Нима дейсиз?

### КЕЛИН, СИЗГА АЙТАМАН...

Ёр-ёр садолари эшитилгачти. Бугун бир хонадонга келин келди. Оппоқ ҳарир кўйлақда қўғирчоққа айланган келин-чакка кимлар ҳавас қилмади дейсиз. Унинг ўзи ҳам ҳаяжонда...

Эртадан бу орзулари осмон қиз учун ҳақиқий ҳаёт бошлади. Аммо у бегона хонадонга мослашиб кета олармикан? Қайнота-қайнона, қайнсингил-қайнога, айниқса, овсинлар қандай қабул қиларкин? Хонадон тутумини ўзлаштириш осон кечармикан?

Зийрак бўлса, ҳаммасини эплайди. Меҳнатдан қочмаса, эпли бўлса, тез кунда барчанинг меҳрини қозонади. Акс ҳолда...

— Келин олиб, сарф-харажатлардан сал "чарчаб" чиқдик, — дейди Анорхон опа куйиниб. — Олган келининг оёқ-қўлликка, фаросатли бўлса, кетган пулингга ачинмайсан. Лекин... Тунов кунни янги келинчақ чой ўрнига доғ сув узатса бўлади. Ажабланганимни сўзга кўчирмай туриб, янги келин рўзгорнинг камини юзимга сола кетди денг. "Нега менга унақа қарайсиз? Куруқ чой тугабди, мен қаердан оламан?" — деди овозини биров кўтариб.

Шу аснода жуда эзилиб кетдим. Кам-кўстим, ичимдаги сирасорор шу пайтгача кўчага чиқмаган эди. Энди, дўмбира бўларканман-да, деган ҳаёл билан ўрнимдан туриб, кўча бошидаги дўқондан куруқ чой олиб келдим...

\*\*\*

Яна бир танишим хурсанд сўзлайди:

— Келиним, кўз тегмасин, ажойиб, оқила чикди-да. Йўқни йўндиради, камни кўрсатмайди. У келгач, рўзгоримга барака кирди. Умридан барака топсин. Бир кун менга қайнаган сув узатди. "Қизим, нега куруқ чой йўқ демдингиз, олиб келардик-ку", деса, "Дадажон, ҳар бир одам ҳафтанинг бир кунда қайнаган сув ичиб турши керак. Бу соғлиқ учун ниҳоятда фойдали", деди.

Мана сизга ҳаётнинг икки хил лавҳаси. Аммо ундан икки хил хулоса чиқариш мумкин. Мулоҳазамни шу ерда мухтасар қилиб, баёнимга нуқта қўйсам бўларди. Аммо келинжонларга айтмасам бўлмайдиган гапларим бор:

Келинжоним, яхшиси, сен зийракроқ бўл. Янги оиладошларинг айтар сўзини кўзларидан уқини ўрган. Уйнаб туриб ҳам, уйлаб гапир. Қопиб эмас, топиб айт. Рўзгор камини асло қайнона-қайнотанг юзига солма. Бош эганнинг қулгоғи айтсанг, кифоя, каминг тўлади.

Никоҳ баэмининг тўрида ўтирганинда, кимлар сенга қандоқ эзгу тилакларни билдирмади-я! Бу тилакларнинг ижобат бўлиши ўзингга боғлиқ. Яхшиликни кўзласанг, бахт сенинг эшигини асло тарк этмайди.

Манзура ҒУЛОМЖОН  
қизи.

Санъатни sanoat даражасига кўтариш замонавий жамиятнинг энг асосий унсури. Аввалига фақат инсониятнинг эстетик қарашларини ўстириш, яшаш, ҳаёт ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш ва дунёқарашини шакллантириш ўйида яратилган санъат асарлари шу тобора даромад топишга йўналтирилди. Бу орқали муаллиф йирик маблағ ишлаш ва аллақайси аудитория учун даҳолик талаби билан чиқди. Санъат шу даражада комига тортдики, улар жамоатчилик назарига тушиши илинжида янги "ижод метод"ни ўйлаб топилди ва инсон баданини жонли плакатга айлантиришди. Унинг номини ҳам шунга мослаштирди: **БОДИАРТ?**

# БОДИАРТ: САНЪАТМИ Ё САНОАТ?



Бодиарт тушунчаси инсониятнинг замонавий кашфиёти. Инглизча бу рўз маъноси body-art, яъни "тана санъати" демакдир. Соҳа мутахассислари томонидан бодиарт авангард даражадаги санъат тури сифатида эътироф этилса-да, тилсиз, сўзсиз ҳаракатга ундаш воситаси сифатида бугунги кунда одам баданини галереяга айлантиришга улгурди. Танадаги бўялган белгида бирор имо, ҳолат, мимика ва ташқарига қаратилган таъсир зоҳир.

У кучли руҳий ҳолат, ҳиссиётлар ичида бажариладиган жараён бўлиб, уни махсус тилиб чизадиган "мусавирлар" етиштириб чиқаётгани ачинарлидир. Кўпчилик бодиартни акционизм, яъни акция кўринишида ўтказиладиган беминнат байрам тадбирларидан биров илгарироқ шаклланган деса-да, санъатшунослар айнан акционизм ичига киритади. Аммо улар бир-биридан фарқ қилади. Шуниси аниқки, у айнан шакл-шамоиёл жихатидан нуздизм, мазохизм ва панк-санъат, хиппи-санъат сингари унсурлар оқимида қарор топган, ривожланган.

Унинг илк аломатлари 1910 йиллар атрофида Ф. Ларионов томонидан "Ҳаётда санъат эгизаги" ва "афт бўялиши — хавфининг бошланиши" сингари ҳайкириқлар билан эълон қилинган кенгая борди. Бироз муддатдан сўнг у ўзининг ва дўстининг юзига шундай бўёқлар ёрдамида сурат чизиб айланишга чиқди. Айнан шу чиқиш оқибатида кейинчалик баданига сурат чиздирувчилар сони аста-секинликда кўпаяди.

## ТАНА ИМОСИ

1960 йиллари Европада "эстетик инқилоб"дек бошланган бу санъат жамоатчилигининг руҳий қолоқлигига қарши қаратилди ва анъанавий ижодни четга суришга уринди, худди барча ижтимоий стереотип (бирор кишиларга оид салбий фикрлар) ларни қуршаб олди.

1964 йилга келиб Венада биринчи тана имосининг киши гашини келтирувчи Гюнтер Брюс ва Рудольф Шварцкоглер усуллари намойиши ташкил этилади ва унинг бошқа турдаги "санъат" имкониятлари билан алоқалари кўрсатилади. Кейинчалик уларни америкалик издошлари по-

этик алоқадорлигини ва бир-бирига боғлиқлигини ўрганишади.

Бодиарт кишилари ўзларининг баданларига худди сурат объектидек қарашади ва ижод намунаси сифатида ундан истаганча ифойдаланишади, турфа хил қиёфага кириб югуриш мусобақаларида қатнашишади, баъзида эса бу хасталик санъат саналади.

## ФЕЙСАРТДАН — НЕЙЛАРТГАЧА

"Баданни безаб ва азобларини енгиб ўтишдир", деган фикрни билдиради унинг асосчиларидан бири. Баъзи баайни шу соҳа мутахассислари шу тобора эса бодиарт тарғиботи кенгайтириш масаласида машҳур кишилар ёрдамига суянишяпти. Яъни дунёга донги кетган спортчимми ё актёр-актрисани йирик сармоя эвазига кўндириб, унинг баданига сурат солишаётир. Албатта, бундан келадиган даромад сарфланаётган маблағдан бир неча баробар ортиши, эл орасидаги машҳур образларга эътибор қаратишга ундаётир.

Бодиартни оммалаштириш йўлидаги "чора-тадбир"лар ўзига хос тарзда ҳар бир сурат чизиш нуқтасини номлаш заруратини пайдо қилди. У айнан баданнинг аъзосига қараб аталади. Умумий тарзда эса боди-пейнтинг (англ. body painting) деб аталади. Бетга расм тушириш (фейс-арт), тирноққа эса нейл-арт, дея номланган бу ҳаддан ортқ гўзаллик намунаси бодиарт санъатини гуллаб-яшнаши баробарида инсониятнинг домига тортаётир. Улар табиий юзларини уч-тўрт ҳафта ичида ранги ўчиб кетадиган алламбало бўёқлар ила чағлатишаётир. Бодиарт мусавирлари ҳатто табиий махсулотларни ҳам ўз манфаатларига мослаб ишлатишяпти. Масалан, менди деб номланадиган усулида табиий хинадан фойдаланган ҳолда баданга сурат чизилади, бўялади ва у нисбатан бироз узок муддат сақланади.

Махсус қизил пигментдан фойдаланган ҳолда қатлам танага жойлаштириладиган тана ҳолати кўриниши татировка деб номланади ва бу сурат инсоннинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолинади. Полинезия тилида мана шундай усулда танага "ишлов бериш"ни "метка" дейдилар. Бу

урф уларнинг узок йиллар мобайнида авлоддан авлодга ўтиб келадиган миллийлигининг бир кўриниши ҳисобланади.

Бадан модификацияси (лотинча modus — "ўлчам, кўриниш, образ" va facio — "қилаялман") маъноларини англитиб, бадан кўринишига ўзгартириш киритиш демакдир.

## ДАРОМАД ОРТИДА... ЗАРАФ

Тиртик, скарификация, скарт (лот. scarifico — "тимдалаялман"), яъни тимдалаш — бадан тилиниши орқали қандайдир сурат ва безак намойиш учун охири-оқибат яратилади. Уларда аллақандай ғоялар, ташвиқотлар ва руҳий кечинмалар акс этиши мумкин. Ҳатто уларнинг номлари ҳам антиқа:

"Тун ортидаги сокинлик", "Отишма". Албатта, бу жараёнларни чизиш учун расом ҳам ўзини бир неча бор қийинчиликларга, азобларга ташлайди.

Имплантиция бу (лотинча, im — "ички" va plantatio — "ўтказмоқ") маъноларини билдириб, бегона организмнинг кўриниши ва аъзоси тўқималарида жонли хирургик жаррохлик ўтказишдир. Аслида, бодиартнинг бу кўриниши турли тирик организмларнинг тана аъзоларини инсонга чизишдир.

Ҳозирги пайтда бодиарт махсулот рекламаси ё кўргазмада хизмат кўрсатиш турлари сифатида, шунинг-

**Бугунги кунга келиб инсонларга таъсир кўрсатиш турлари анча кенгайиб, бунда сўз орқали бирор ғояни етказишдан кўра, белги ё сурат кўринишида сингдириш бирмунча яхши натижа беради. Биринчидан, қиёфа ҳам реклама, ҳам восита, бу орқали инсон онг остига таъсир етказиш мумкинроқ ва самаралироқ.**

дек, ҳатто турли хил байрамлардек ёйилган. Уни реклама қилаётган "ишбилармон"лар эса, бодиартнинг зарарли жиҳатларини бир четга суриб, асосий эътиборни ундан тушадиган даромадга қаратишади. Ҳатто бунинг орқасидан йирик бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар, канцелария дўконлари ҳам катта маблағ топади.

Масалан, гуашь деб номланган махсулот танага расм чизишда уларнинг асосий иш қуролига айланган. Уларнинг арзонлиги, глицерин ва шампун қўшиб ишлатиш мумкинлиги кенг ёйилиш сабаблардан биридир. Бор-йўғи 40 дақиқа сақланадиган суратга ҳам қизиқувчиларнинг сони бир талай.

Албатта, буларнинг савдоси тўхташдан бодиарт санъати ҳам жиддий зарар кўради. Демак, улар ҳам очикчасига бодиартнинг ривожланишидан манфаатдор. Бодиарт шунчаки, қўнғил-хушлик — бекорчиликдан яратилган иштиро, бироқ айни пайтда уни ўрганиши ва ўзлаштиришни истаб қанчадан-қанча ёшлар махсус курсларда "таълим олаётган"и ачинарли ҳолдир.

Юқоридаги далилларга эътибор қаратсак, аслида, бодиарт умумий

## Мулоҳаза учун мавзу

кишилик жамиятига эмас, маълум бир аудитория ё гуруҳга хослигини кўришимиз мумкин, холос. Бир муддат ўтиб эса бу ўз-ўзидан яхшими, ёмонми кимнингдир назарига тушади ва у истаб-истамай, уни ўзлаштиришга ҳаракат бошлайди.

## ГўЗАЛЛИК ТУБИДАГИ ИЛЛАТ

Таъкидланишича, игна танани жароҳатлаши натижасида қон-томирлар ҳаракатига жиддий хавф солади. Бундан ташқари, қанчалик маҳоратли бодиарт мусаввири бўлмасин, баданда бўёқ ранги, айрим белгилари, игна излари талай вақт сақланади. Айниқса, бодиарт натижасида расм туширилган нуқта қонталаш, қизариш, бўртиш кўринишга киради. Афтидан, у жуда бежирим, чиройли, жимжимадор туюлса-да, соғлом турмуш тарзи ва наслга салбий таъсири юқори. Фақат буни бирдан сезиш қийин, сабаби унинг асорати йиллар ўтиб, аста-секинликда юзага чиқади. Буни сурат туширилгандан сўнг бир-икки ҳафта ичида қон-томир йўллари шилиб кетишида, ўша жойда ўқтин-ўқтин оғрик туриши, кўкариш ҳолатларининг кучайиши ва кўпайишида ҳам билиш мумкин. Бу бодиартнинг жисмга таъсири, холос. Танадаги жароҳатлар кишини бутун умр тарқ этмаслиги унинг энг оғир оғриқсиз тамғаси саналади.

Бундан ташқари, инсон ҳароратининг кўтарилиши ва шикастланган жойни ушлаб кўрганда тўқималарнинг исшидан ҳам билса бўлади. Баъзан эса расм чизиб жараёндаги эътиборсизлик оқибатида янада оғирроқ — қонга инфекция тушишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, бўяш жараёнида объектда қалтирок тутуши ундаги руҳий ҳолатни бирмунча қучайтирибгина қолмай, атрофдагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Айни пайтда эса игнанинг етарли даражада тозаланмаганлиги, бир неча маротаба ишлатилиши, сақланиб қолган бўёқларнинг эскириши ва маст қилувчи ичимликларни тез-тез ичиш, мияга кучли таъсир кўрсатувчи дори-дармонларни истемвол қилиш натижасида бодиартнинг инсонларга таъсири янада ортаётир. Бу сингари ҳолатлар қон томирлари шишишини бир неча баробар қучайтиради ва қон суйилишига олиб келади. Ҳатто расм ишланган, терини шилиш, тирнаш хавфи саналади ва қашилган жойда қора доғлар пайдо бўлиши кузатилади.

Бугунги кунга келиб инсонларга таъсир кўрсатиш турлари анча кенгайиб, бунда сўз орқали бирор ғояни етказишдан кўра, белги ё сурат кўринишида сингдириш бирмунча яхши натижа беради. Биринчидан, қиёфа ҳам реклама, ҳам восита, бу орқали инсон онг остига таъсир етказиш мумкинроқ ва самаралироқ. Чунки етказиладиган ғоянинг кучи ўша детал "ёрдам"ида инсон хотирасида узок сақланади ва яна бир сабаби, уни осонгина кўриб ўрганиш, ўзлаштиришни иложи бор.

Бодиарт ихтирочилари эса инсонлардаги айнан шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда ўз махсулотларининг кенг ёйилишига эришяптлар. Бироқ унинг зарари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмай "оммавий маданият" соҳида шакллантирилган санъатни гуллаб-яшатиш, санъатга айлантириш истагида жиддий бел боғланмасин, барибир жамиятнинг энг асосий онгли қатлами уларга қарши қурашмоқда. Чиройли тамганнинг зарарини бот-бор айтиб, башариятни бундан огоҳ этишга уринаётир.

**Олимжон ЖУМАОБОВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

# УСТОЗ, МЕНИ КЕЧИРИНГ!



Ойна

дан, таълим-тарбия берганидан албатта, гурурланадилар. Бунга ишонаман! Улар бугун ҳам менга сабоқ бердилар. Бу сабоқ бир кунлик ёки бир йиллик эмас, у бир умрга татигулик, касбий фаолиятимда ҳам доимо асқотгучи, ҳеч қачон ёддан кўтарилмайдиган сабоқдир.

Устоз, мени кечиринг! Сизнинг олдингизда минг хижолатдаман. Отасиз эканимни билгач, мени ўз қизингиз, ўз фарзандингиз каби кўрдингиз, баъзан хато қилсам, дакки бериб, тўғри йўлни кўрсатдингиз, ҳатто ўз отам ҳам менга беролмайдиган қувончни ҳадея этдингиз. Сизнинг оқ фотиҳаларингиз сабаб касбий фаолиятимда ўз ўрнимни топаётганман. Сабрингиз мени ҳам матонатга ўргатди.

Эсингиздами, илк хабарчам газетада чиққан пайт? Ушанда, ахборот олиш тартиб-қоидаларини, ахборот етказётганда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини ўргатган эдингиз. Сизнинг тимсолингизда, менда барча муҳаррирларга нисбатан ҳурмат ошган эди. Катта журналист бўлсам, албатта, сиздек ўқувчилар билан астойдил ишлайдиган, уларга касбнинг йўл-йўриқларини кўрсатадиган йўл-бошловчи бўламан. Мен ҳам уларнинг сиз каби ишончига, таянчига айланаман.

Дарҳақиқат, бу муносабатларнинг барчаси самимий, унда заррача илҳам йўқ. Кимдир сўзлардан таъсирланмаса, бу унинг айби, чунки соф тушунчалар ҳалол, соддадил, меҳнаткаш, виждонли инсонларнинг тилларида янграйдилар. Бировнинг фикри, шубҳасиз, унинг тасавури, дунёқараши ва феълига хос, мосдир.

Н.АХМЕДОВА.



## ЭНГ КИЧКИНА СИГИР

Дунёдаги энг митти сигир ҳақида эшитганмисиз. Ушбу номинация бўйича етакчилик қилаётган сигирга оид далилларга эътибор қаратамиз.

2014 йилнинг 21 июнь куни Гиннес рекордлар китобининг расмий вакиллари Маникьям (Manikyam) лақабли олти ёшли гунажинни дунёдаги энг кичик (паст бўйли) сигир дея эътироф этишди. Маникьям (Manikyam) ўзининг 61,1 сантиметрлик бўйи билан аввалги 69,07 сантиметрлик рекордни орта қолдирди.

Шундай қилиб, энг митти Сигир Хиндистоннинг жанубий штати – Кераладаги Атоли (Atholi) шаҳарчасида яшайди. Фермер ва эколог хўжайини уни туғилганидан бери парвариш қилиб келади. Маникьям бошқа сигирлар билан бир хил рационда озиклантирилганига қарамай, негадир унинг бўйи ўсмай, кичкиналигича қолиб кетди. Эгаси унинг фаройиблигини тезда пайқади ва унга янада эътиборлироқ бўлди.

Фермернинг айтишича, митти сигир гўё унинг оила аъзоси бўлиб қолган. У жуда ақли ва ёқимтой. Лақабини айтиб чақирсангиз, дарҳол сизга қарайди.

Маникьям Атоли шаҳарчасининг таниқли "шахс"ларидан бирига айланди. Ҳамма унга "зиёфат" бергиси ва у билан бирга суратга тушгиси келади. Гиннеснинг рекордлар китобига ушбу сигирнинг зоти ҳақида аниқ бир маълумот берилмаган. Кўринишидан Маникьям сигирларнинг Вечур зотига мансубга ўхшайди.

## ЭНГ КИЧКИНА ТОШБАҚА

Пенсильвания тошбақаси антиқа ўрмалаб юрувчи жонивордир. У бор-йўғи 10-12 сантиметр узунликкача ўсади. Шу боис дунёдаги энг кичкина тошбақа ҳисобланади.



Бу тошбақа Американинг шарқий қисмидаги ўт-ўланлари қуюқ кўллар ва сокин оқадиган дарёларда учрайди. Устидаги "зирхли қопқоғи" — тошқосаси худди қадимий жангчиларнинг химоя совутини эслатади ва юрганида қалқиб, ўйнаб туради.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

**Рашод Нури Гунтекиннинг "Чолиқуши" романини севиб ўқийман: ундаги кутилмаган воқеалар анча пайтгача ўйлашга ундайди, тафаккурга ўргатади ва ҳатто шу тобдаги ҳодисаларда ҳам ўз аксини топади. Биргина асарнинг бадиий чўққиси ҳисобланмиш жойи тез-тез ҳаёлимга келиб туради.**

Эслайсизми, ушанда Феридени Низомиддинбей ўз никоҳига олади, аммо бу бош қаҳрамонни одамларнинг таънаю дашномларидан халос этиш учун. Лекин буни ҳатто қизнинг ўзи ҳам тушунмайди, билмайди. Бир куни тўсатдан кеч тушгач, қиз секин Низомиддинбейнинг олдига ички кийимиде кириб келади. Низомиддинбей ундан нега бундай юрганини сўрайди, қиз ҳайрон бўлади. Фериденинг бу ердан хозироқ чиқиб кетишини, агар бу ишни қилмаса, сўкишини таъкидлагач, қиз ортига қайтади ва тўрт-беш қадам юриб, чопиб Низомиддинбейни қучади: "Отажон!".

Бу сингари ҳолатлар менинг ҳаётимда ҳам рўй берган.

Улар менинг кўмақдошим. Усто-

зимга ичимдаги гапларни, ўйларимни айтиб бераман, келажакдаги режалар ҳақида сўзлаб, маслаҳат оламан. Улар доимо тўғри йўлни кўрсатишларига ишонаман. Мен у инсонни отамдек, улуг деб биламан. Ахир, улар менинг устозим. Илк бор менга касб сирларини ўргатган, бу соҳанинг мушуқуллигини уқтирган, журналистиканинг юраги — тахририят билан илк бор таништирган ҳам, бу — менинг устозим!

Эътиборсизлигим сабаб, хатога йўл қўйдим: кўпчилик олдига устозимни отам ўрнида кўришимни айтиб қўйибман. Мен нодон бундай самимий муносабатларни одамлар нотўғри қабул қилишини ўйламабман. Билмай, у кишини ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Мен содда, меҳрибон инсонни жуда ҳурмат қилишимни, меҳридарё эканини, қўлларидан келганча ҳар қандай талабага ёрдам беришини, доимо дуо қилишини катта қувонч билан бутун жаҳонга жар солибман. Аҳмоқ бўлмай, мен ўлай! Ахир, одамлар оёқ билан эмас, тил билан юришини наҳот, унутдим!

Мен устозим билан бир умр фахрланаман! Улар ҳам бир кун келиб мендай шогирдлари борлиги-

## БОЛА УЧУН ГУВОҲНОМА

Кўшимнинг уйи ёнига қақалоқ ташлаб кетишган. Бу боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси қай тартибда расмийлаштирилади?

А. Ишонов.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги буйруғига асосан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 61-бандига асосан топиб олинган ёки ташлаб кетилган боланинг туғилганлигини қайд этиш учун ички ишлар органи, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола парваришланаётган муассаса маъмурияти ёки тиббий муассаса томонидан бола топиб олинган ёки ташлаб кетилган жойдаги ФХДЭ органига ариза бериледи.

Шунингдек, ички ишлар органи ёки васийлик ва ҳомийлик органининг боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати тўғрисидаги далолатномаси ҳамда тиббий муассасанинг топиб олинган ёки ташлаб кетилган боланинг ёши ва жинсини тасдиқловчи маълумотномаси аризага илова қилинган ҳолда расмийлаштирилади.

Саволга Касби тумани ФХДЭ бўлими мудирини Н.УМАРОВА жавоб берди.

## ШАХСАН ЎЗИ КЕЛИШИ ШАРТ

Қизим 17 ёшда, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати ўртасида (фамилияда) тафовут борлиги унга муаммо бўлмоқда. Ўзи хорихда ўқийганлиги сабабли, мен ушбу тафовутни бартараф қила оламанми?

Д. Куроқова.

Амалдаги қонунга мувофиқ, 16 ёшга тўлган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувиги ўзгартириш, қўшимча ва тузатиш киритиш боланинг ўзининг аризасига асосан амалга оширилади. Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритишга ишончнома билан йўл қўйилмаслигини иноватга олган ҳолда албатта, қизингизнинг ўзи тегишли ҳужжатлари (паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси) билан ФХДЭ органига шахсан мурожаат қилиши керак бўлади.

Саволга Зарбдор туман ФХДЭ бўлими мудирини М.ОРТИҚОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти — 15:00. Босишга толширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4475. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08